

ва Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмасликлари...

10:35 / 10.08.2017 3581

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг байъатини «ва Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмасликлари...» оятига биноан сўз билан қабул қилар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари ўзларига мулк бўлмаган хотинга ҳаргиз тегмаган».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадис Оиша онамиздан ривоят қилинмоқда. Бу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг: «Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатларини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳини кечишни сўра. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир» деган оятига биноан мўмина аёллардан байъат олганликлари ҳақида сўз кетмоқда.

Бу ривоятда асосан байъатнинг қай тарзда олинганлиги васф қилинмоқда. Яъни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллардан оғзаки байъат олганликлари, бироқ эркакларнинг байъатидаги каби уларнинг қўллари олмаганлари баён этилмоқда.

Оиша онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари нафақат байъат пайтида, балки умумий ҳолатда ҳам номаҳрам аёлга тегмаганлиги ҳақида гапирмоқдалар ва шу билан аёлларга тегишли ҳукми ривоят қилмоқдалар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари фақат маҳрамларигагина теккани ҳақида таъкид ила гапирмоқдалар.

Аёлларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга байъати қандай бўлгани ҳақида тўлиқ тасаввур олиш учун ушбу ривоятда зикри келган ояти каримани ўрганиб чиқайлик.

Аллоҳ таоло Мумтаҳина сурасида марҳамат қилади:

«Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, фарзандларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўътон тўқиб келтирмаслик ва сенга маъруфда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатларини қабул қил. Ва Аллоҳдан улар учун маъфират сўра. Албатта, Аллоҳ ўта маъфиратлидир, ўта раъмлидир» (12-оят).

Аёллардан энг аввало

«Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик», яъни ягона Аллоҳгагина ибодат ва эътиқод қилиш тўғрисида аҳднома олинган.

Иккинчи - **«ўғрилиқ қилмаслик»**,

Кейин улардан ўғрилиқ қилмаслик тўғрисида аҳднома олинган.

Учинчи - **«зино қилмаслик»**,

Ундан кейин мўминалардан зинога юрмаслик тўғрисида аҳднома олинган.

Тўртинчи - **«болаларини ўлдирмаслик»**,

Яна муслима аёллардан фарзандларини ўлдирмаслик тўғрисида аҳднома олинган. Исломдан аввал арабларда қизларни кичиклик пайтида тириклай кўмиб ташлаш одати бор эди. Бу ерда шу нарса кўзда тутилган.

Бешинчиси - **«...қўллари ва оёқлари орасидан бўътон тўқиб келтирмаслик...»**, яъни бировдан бўлган болани эрига сендан бўлган, деб айтмаслик тўғрисида. Исломдан аввал бундай ҳодисалар бўлиб турар эди. Ҳатто бир аёл бир неча эркак билан алоқада бўлиб турар, сўнг бола туфса, уларнинг бирортасига «Бу сенинг боланг», деб айтиб, болани ўша кишининг бўйнига қўйиб юборарди.

Олтинчиси - **«...маъруфда исён қилмаслик...»**

«Маъруф иш» деганда Аллоҳга тоат-ибодат ва яхши амаллар, умуман олганда эса динда буюрилган ишларни қилиш ва қайтарилган ишларни қилмаслик назарда тутилган.

Мўмина аёллар мазкур нарсаларга ваъда бериб, байъат қилсаларгина Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларнинг байъатларини қабул қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллардан алоҳида байъат олганлари.
2. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллардан байъат олишлари «Эй Набий! Агар мўминалар...» деб бошланувчи оятга биноан бўлганлиги.
3. Аёлларнинг байъати оғзаки бўлиб, унда қўл бериш бўлмаганлиги.
4. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон номаҳрам аёл қўлини ушламаганликлари.
5. Уламолар шу ҳадисни далил қилиб, номаҳрам эркак ва аёлларнинг қўл бериб кўришишлари ҳаром, деган ҳукмни чиқарганлар.

Ушбу ўрганганларимиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат ҳақидаги баъзи ҳадисларгина, холос. Улар орқали байъатнинг иймон ва Исломда ўта муҳим омил экани баён қилинди. Иншааллоҳ, байъат ҳақидаги асосий маълумотлар ўз ўрнида келади.